



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 21 » sentabr

№ 488

Toshkent sh.

**Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 сентябрдаги ПҚ-378-сон қарорига мувофиқ оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқишида архитектура танлови қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқишида **архитектура танловини** (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш тартибини белгилаш;

танловни ўтказиш бўйича ҳайъат аъзолари таркибини тасдиқлаш;

танлов иштирокчиларини баҳолаш мезонларини белгилаш;

танлов ғолибларига бериладиган диплом намунасини тасдиқлаш.

2. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

Миллий ахборот агентлиги ҳамда Миллий телерадиокомпания билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтларда кенг ёритилишини ташкил этсин.

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “21” сентябрдаги 488-сон қарорига  
илова

**Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз  
лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати томонидан  
архитектура танловини ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бино** – функционал мақсадига қараб одамлар яшashi ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

**буюртмачи хизмати** – объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва бузишнинг амалга оширилишини таъминловчи, шунингдек, ушбу мақсадларда лойиҳа-қидирув, экспертлик, қурилиш-монтаж ва назорат ишларини бажариш учун тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузувчи юридик шахс;

**иншоот** – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, моддий қимматликларни жойлаштириш ва саклаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек, ускуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими;

**оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектлар** – алоҳида ёки биргаликда ўзига хос, бетакрор ҳажмий-режавий, конструктив, муҳандислик ёки технологик ечимлари ҳамда архитектура ғоясини, юқори техник даражадаги ютуқлар ва меъморчиликни ўзида мужассам этган бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуалари;

**танлов иштирокчилари** – танловда иштирок этиш истагини билдирган, шунингдек, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга бўлган лойиҳа ташкилотлари;

**эскиз лойиҳа** – бино ва иншоотларнинг муҳим хусусиятлари ва элементларини тавсифлаш имконини берадиган лойиҳанинг якуний натижаси тўғрисида тўлиқ тасаввур берувчи архитектуравий чизмаси.

3. Танлов шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги лойиҳа ва ишланмаларни ҳамда инновацион қурилиш технологияларини амалиётда қўллашга қаратилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида ўтказилади.

4. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ёки буюртмачи хизмати функцияси юклатилган ташкилотлар танловни ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

## **2-боб. Танловнинг асосий мақсади ва вазифалари**

5. Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларни лойиҳалаштиришда тажрибага эга бўлган, муҳандислик ишланмаларини ҳамда қурилиш инновацион технологияларини яратиш имкониятига эга рақобатбардош лойиҳа ташкилотларини аниқлаш танловнинг асосий мақсади ҳисобланади.

6. Куйидагилар танловнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ложиҳа ташкилотларини қўллаб-куватлаш;

ложиҳалаштириш ва объектларни қуриш жараёнида инновацион ғояларни рўёбга чиқариш;

ложиҳачиларнинг эркин фикрлаш тафаккурини юксалтириш.

## **3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

7. Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиши учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танлови мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ ўтказилади.

8. Буюртмачи хизмати танловга қўйиладиган объектни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ғазначилик тизимида рўйхатдан ўтказади ва объект рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ўттиз дақиқа ичида танлов предметининг номи ва ғазначилик тизимида шахсий ҳисобварагини киритади.

Буюртмачи хизмати эскиз лойиҳани ишлаб чиқишида архитектура танловини ўтказиш шакли, лойиҳанинг тавсифи ва бошланғич нархи, танловни ўтказиш жойи, моддий рағбат микдори ва таклиф бериш муддати билан боғлиқ талабларни эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишган ҳолда белгилайди ҳамда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали ўн кун муддат давомида танловни ўтказиш бўйича эълон беради.

9. Танловда архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияларга эга бўлган лойиҳа ташкилотлари иштирок этади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар танлов бўйича эълон тугагандан сўнг беш кун муддатда эскиз лойҳаларни илова қилган ҳолда буюртмачи хизматига мурожаат қиласади.

10. Танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган эскиз лойиҳалар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

тегишли лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилганлиги;

долзарблиги, инновацион ғоя ва ечим ўз аксини топганлиги;

функционал ва эксплуатация талабларига мувофиқлиги;

тахминий қиймати ва амалга ошириш муддати ҳақида тўлиқ маълумот бўлиши;

барча муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича аниқ маълумотлар акс этганлиги.

11. Танлов иштирокчиларининг эскиз лойиҳалари мазкур Низомга 2-иловадаги ҳайъат таркиби (кейинги ўринларда – ҳайъат) томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

12. Танлов ғолибини аниқлашда ҳайъат аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, ҳайъат ваколатли ҳисобланади.

13. Танловни ўтказиш бўйича эълон берилган муддат ичида бирорта ҳам таклиф келиб тушмаганда ёки бир нафар талабгордан таклиф келиб тушганда, шунингдек, келиб тушган таклифлар танлов ҳужжатлари шартларига мувофик бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмайди.

#### **4-боб. Ҳайъатнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

14. Ҳайъат қуйидаги хуқуқларга эга:

танловга тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ва зарур ҳолларда қўшимча маълумотлар сўраб олиш;

танлов таклифларини кўриб чиқиш муддатини белгилаш;

таклифларнинг танлов ҳужжатларига ва танлов ўтказиш шартларига мувофиқлигини кўриб чиқиш;

танлов ғолибини аниқлаш;

танловни ўтказишда ушбу Низом талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда, танловни ўтказишни тўхтатиши.

15. Ҳайъат танловнинг холислик ва ошкоралик асосида ўтишини таъминлашга, шунингдек, танловни ўтказишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилишга мажбур.

#### **5-боб. Танлов ғолибини аниқлаш тартиби**

16. Танлов иштирокчиларининг эскиз лойиҳалари мазкур Низомга 3-иловага мувофик мезонлар асосида баҳоланади ва натижаси бўйича танлов ғолиби аниқланади.

17. Танлов ғолиби мазкур Низомга 4-иловага мувофик намунасадаги диплом билан тақдирланади ҳамда моддий рағбатлантирилади.

18. Агар эскиз лойиҳаларини баҳолаш натижалари тенг бўлган тақдирда, хайъат томонидан ҳақиқий ғолибни аниқлаш мақсадида лойиҳа ва ишланмаларга доир қўшимча маълумотлар талаб этилиши мумкин.

19. Танлов ғолибининг эскиз лойиҳаси “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида сақланади ва ундан келгусида объектларнинг лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишида фойдаланилади.

20. Танлов натижалари оммавий ахборот воситалари ҳамда буюртмачи хизматининг расмий веб-сайтлари орқали ёритилади.

### **6-боб. Танловни молиялаштириш**

21. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, танлов ғолибини моддий рафбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ёки ташаббускор вазирлик ва идораларларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

22. Ушбу Низом қоидалари қўлланиши билан боғлиқ низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида  
муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини  
ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати  
томонидан архитектура танловини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини  
ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш**

### СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар        | Тадбирлар   | Муддатлар  |
|-----------|-------------------|---|--|
| 1-босқич  | Буюртмачи хизмати | <ol style="list-style-type: none"><li>Танловга қўйиладиган объектни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ғазначилик тизимида рўйхатдан ўтказади.</li><li>Танлов предметининг номи ва ғазначилик тизимидағи шахсий хисобварағини киритади.</li><li>Эскиз лойиҳани ишлаб чиқиша архитектура танловини ўтказиш шакли, лойиҳанинг тавсифи ва бошланғич нархи, танловни ўтказиш жойи, моддий рағбат микдори ва таклиф бериш муддати билан боғлиқ талабларни эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишган ҳолда белгилайди.</li><li>“Шаффоғ қурилиш” миллий ахборот тизими орқали танловни ўтказиш бўйича эълон беради.</li></ol> | Белгиланган<br>муддатда<br><br>Ўттиз дақиқа<br>ичида     |
| 2-босқич  | Талабгор          | Танловда иштирок этиш учун эскиз лойиҳаларни илова қилган ҳолда буюртмачи хизматига мурожаат қиласди.   | Белгиланган<br>муддатда<br><br>Ўн кун<br>муддат давомида |
| 3-босқич  | Ҳайъат            | <ol style="list-style-type: none"><li>Танлов иштирокчиларининг эскиз лойиҳаларини кўриб чиқади.</li><li>Баҳолаш мезонларига мувофиқ танлов ғолибини аниқлайди ва тақдирлайди.</li></ol>   | Ўн кун<br>муддатда                                       |

Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида  
муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини  
ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати  
томонидан архитектура танловини ўтказиши  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Танлов иштирокчиларининг эскиз лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича  
ХАЙЪАТ ТАРКИБИ**

*Лавозимига кўра* - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринbosарлари, *Ҳайъат раиси*

*Лавозимига кўра* - Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари бошликлари

*Лавозимига кўра* - Объект бўйича буюртмачи хизмати раҳбари

*Лавозимига кўра* - Объектдан якуний фойдаланувчи ташкилот раҳбари

*Лавозимига кўра* - Ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши аъзолари

**Изоҳ.**

1. *Ҳайъат аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёхуд зиммасига тегишили функциялар юклangan шахс киритилади.*

2. *Ҳайъат раиси томонидан, зарур ҳолларда, ҳайъат фаолиятига бошқа ташкилот вакиллари ҳам жалб қилиниши мумкин.*

Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида  
муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини  
ишлаб чиқиши учун буюртмачи хизмати  
томонидан архитектура танловини ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
З-илова

**Танлов иштирокчиларининг эскиз лойиҳаларини баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ**

| T/p         | Баҳолаш мезонлари  | Энг юқори балл |
|-------------|--|----------------|
| 1.          | Амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига<br>мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ( <i>объектнинг иқтисодий<br/>самарадорлиги, конструктив ечимлар</i> )         | 20             |
| 2.          | Объектнинг функционаллиги ва эксплуатация<br>килишда қулайлиги   | 20             |
| 3.          | Миллий архитектура анъаналари ва элементларидан<br>фойдаланилганлиги   | 15             |
| 4.          | Энергия тежамкор технологиялар қўлланилганлиги<br>( <i>қайта тикланадиган энергия ресурслари, муҳандислик<br/>тармоқлари билан бирга</i> )                 | 15             |
| 5.          | Ландшафт ва интерьер дизайни ( <i>яшил архитектура,<br/>табиий яшаш муҳити ва биологик хилма-хиллик</i> )  | 15             |
| 6.          | Атроф-муҳитга мувофиқлиги ( <i>иқлим ўзгаришига<br/>мослашуви, одамларнинг ҳаётий фаолиятига<br/>ва туризмга уйғунлиги</i> ) ва ёндош худудларга уйғунлиги | 15             |
| <b>ЖАМИ</b> |  | <b>100</b>     |

Оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида  
муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини  
ишлаб чиқиш учун буюртмачи хизмати  
томонидан архитектура танловини ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

Танлов ғолибларини тақдирлаш бўйича  
ДИПЛОМ НАМУНАСИ

